

Нокис (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдулкодир Мухаммадшокир ўгли) (1860 — Каттакўргон — 1929) — ўзбек шоири. Каттакўргон, Бухоро мадрасаларида ўқиган. 1895 йилда Каттакўргонга кайтиб, мадрасада мударрислик қилган, дехкончилик билан шугулланган. Саъдий, Жомий, Навоий, Фузулий ва бошқага эргашган, улар газалларига мухаммаслар боглаган. Айникса, Муқимий ижодига эхтиром билан караган, тазмин мухаммаслар ёзган («Догмен», «Кел эртарок», «Нозаниним» ва б.).

1905 йилдан Нокис ижодида ижтимоий мазмун кучайган. Шеърларида ижтимоий адолатсизликка, нодонликка қарши нафрат ифодаланган. Газаллари «Баёзи Махдий», «Армуғони Хислат», «Баёзи Мирий», «Баёзи Жўрабек» ва бошқа баёзларга киритилган. Нокис қўлёзмалари — «Баёзи Нокис» Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти (инв. №1005)да, «Девони Нокис» Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти (инв. №97)да сақланади. 19-аср охири — 20-аср бошларида Бухорода тузилган тазкираларда Нокис ижодига юқори баҳо берилган. Шоир «Лайли ва Мажнун» сюжети асосида дoston ёзганлиги хақида маълумот мавжуд. Аммо у хали топилмаган. Нокиснинг баёзлари ва 6 минг мисрага яқин шеърлари сақланган. Ҳазал ва мухаммаслари хофизлар томонидан қуйлаб келинади («Хажрингда дарду гам билан хасратда догман...» ва б.).

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Меҳр мохинг, оху чашминг, гул жамолингдин хижил,  
Тўти нуткингдин хижил, булбул мақолингдин хижил.

Лола — гулзори юзунг, нарғис кўзунгдин доғлар,  
Гунча огзинг, дур тишинг, шаккар зулолингдин хижил.

Хайи жабхангдин — гулобу тийри мужгондин — синон,  
Бош эғибон янги эй, қоши хилолингдин хижил.

Вўсма қошинг корасидин, сурма кўз савдосидин,  
Хат юзунгни саҳфасидин, нукта холингдин хижил.

Огзинг асрорига бўлгай юз Палотун акли лол,  
Софтабъон, мўшиқофон шархи холингдин хижил.

Жилва гамзангдин хижолатманд, гамзанг — жилвадин,  
Шуълаи шамъи шабистондур шуоингдин хижил.

Найшақарлар, сарвлар, шамшодлар бу бог аро  
Яъни бўлмишлар бу қадди нав ниҳолингдин хижил.

Зилли покингдин хумоу тожу тахти шохлар  
Салтанат маснаднишинлар нек фолингдин хижил.

Рухафзо, табъи боло, нукта зебо ёрсен,  
Назм иншосига Нокисдур камолингдин хижил.

\* \* \*

Дахр аро, эй нозанин, хўблар сароси сизмусиз,  
Ё магар ойинаи оламнамоси сизмусиз?

Сиздин ўзга махликоларни кўнгул ёд айламас,  
Ё жахон зеболарин нашъу намоси сизмусиз?

Гамзадин хуммор кўзлар ўлдуруб, гах тиргузур,  
Ишк ахлини бошига можароси. сизмусиз?

Оллох-оллох, ушбу зеболигда мумтоз ўлдингиз,  
Ё Самарканд ўлкасини подшоси сизмусиз?

Ё малаксиз, ё башарсиз, ё пари, ё хурсиз,  
Ахли оламини талабда муддаоси сизмусиз?

Акл хайрон, сийна бирён, дил парешон, эй пари,  
Рост айтинг, эй санам, жонлар балоси сизмусиз?

Жумла махрўлар ичида гавхари яқдони сиз,  
Ё карам бахрини дурри бебахоси сизмусиз?

Мархаматни бу гадолар бошидин тутманг дариг,  
Мехрингиз дилда магар мехри гиёси сизмусиз?

Кулди, айди, мунча кўйманг пойим узра бошингиз,  
Нокисо, танхо бу йўлни мубталоси сизмусиз?

## **МУХАММАСЛАР**

\* \* \*

Ишкингда зор бўлдум-у, гамгин думогман,  
Бемори фуркатингман-у, зохирда согман,  
Аклу хушум санинг била ўздин йирогман,  
Кўрсат юзингни толиби нури чарогман,  
Хажрингда дарду гам билан хасратда догман.

Ўлдум жамолинг шавкида дардинг ололмадим,  
Бошингдин, эй санам, нега мен ўргулолмадим,  
Бир лахза ишрат уйида мажлис курулмадим,  
Лаъли лабингни кандини бир дам сўролмадим,  
Хажрингда дарду гам билан хасратда догман.

Золим фалак фирокинга солди мени, нетай,  
Кандог гамингни сийнада элдин нихон тутай,  
Сабру карорим колмади, эй жон, нечук этай,  
Мажнуни бенаво киби ё бош олиб кетай,  
Хажрингда дарду гам билан хасратда догман.

Кўрдум юзингни, колмади бир зарра токатим,  
Тун-кечаларда йўк мани бир дам фарогатим,  
Захр ўлди шаккар огзима, кетти халоватим,  
Билмас киши гаминг била чеккан надоматим,  
Хажрингда дарду гам билан хасратда догман.

Сенсан париваш ахлини шўхи замонаси,  
Менман сенинг гаминг била олам фасонаси,  
Кўнгул кушини боиси чангу таронаси,  
Зулфунгни доми-ю, яна холингни донаси,  
Хажрингда дарду гам билан хасратда догман.

Рахм айла холи зорима, ороми жоним ўл,  
Еткур висол богига, жону жахоним ўл,  
Боги бахорим ўлгилу хам бўстоним ўл,  
Жоним фидо кудумингга, кел, нуктадоним ул,  
Хажрингда дарду гам билан хасратда догман.

Ўлсам эди висолингга парвонадек куюб,  
Жон берсам эрди, бошими остонангга кўюб,  
Махмурлқда бодаи васлинг била тўюб,  
Нокислигимда кўксими тийри мижанг ўюб,  
Хажрингда дарду гам билан хасратда догман.

## **НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС**

Лабинг ганжи нихони узра печ урмишму аждар хат,  
Ва ё ишк ахлини торож этарга ёзди лашкар хат,  
Назокатлар бериб даври рухингда атри анбар хат,  
Юзунг ёнидаким бош чекти хар ёндин муаттар хат,  
Гул узра мушкдин килки казо килмиш мухаррар хат.

Кўзунг рамзи магар шўри жахонга манбаедурким,  
Маони жамъида хар нукта холинг мусъаедурким,

Ки навхатларни таълимида хаттинг мисраедурким,  
Жамолинг сафхасида икки кошинг матлаедурким,  
Ёзибдур котиби сунъ они хусн ахли учун сархат.

Кўрунур турфа зебо кўзга райхон чехраи хаттинг,  
Юзунг авроки узра кўп сафолиг мўхраи хаттинг,  
Не хуш ул чашмаи лаълинг лабида зумраи хаттинг,  
Гули рухсорингга кўп зеб берди сабзаи хаттинг,  
Багват хуш бермиш кизил когозда ахзар хат.

Каро кошингмудур кўзга нишон ё тиги хунхори,  
Ва ё гулзор ичида печутоб урмиш сиях море,  
Парешон кокулунг торимудур ё ишк элин дори,  
Юзунгни теграсида хатмудур ё сунъ паргори,  
Куёшни даврида тахрир учун чекти мудаввар хат.

Мунаввар килди хуснунг партави оламни сар то пой,  
Жамолинг шамъи равшан килди тунни гар шаби ялдой,  
Сани васфинг баёни бўлмагай когоз юзида жой,  
Юзунгни доги бирла анжумингдин не асиг, эй ой,  
Куёшдек ораз узра хуштурур гар хол эрур, гар хат.

Карам базмини хар дам манга муътод этсанг, эй сокий,  
Хароб ўлган кўнгул мулкини обод этсанг, эй сокий,  
Агар бир май сунубон хотирим шод этсанг, эй сокий,  
Мани махмурлиг ранжидин озод этсанг, эй сокий,  
Ёзарман гарчи илким титрамакдин келса абтар хат.

Етар ишк ахлига гах зулм, гохи мархамат сандин,  
Лабинг бир хандадин гах жон берур, гах жон олур тандин,  
Агар ёзсанг хатин ёдида хар сўз суд эрур мандин,  
Хатинг васфида хар неким савод этмиш кўнгул андин,  
Эрур бир анбарин занжир савдо ахлига хар хат.

Шуълаи оразингму ёки шамъи махфил, эй махваш,  
Сафои юзмудур ё барк урмиш шуълаи оташ,  
Бу янглиг накши хайроний килур дил жомини бегаш,  
Кўрунур гул киби оразда мушкин хат лаби дилкаш,  
Варак гар хуб эмасдур, хуб эмас ёзмок муяссар хат.

Сухан бас айла носих, санга йўктур нафъ бу сўздин,  
Сен ўз фикрингда бўлгил, сол мани бу дайр аро кўздин,  
Кўруб Нокис бу хат мазмунини узди умед ўздин,  
Навоий берма пандим хосса хат бош чекти ул юздин,  
Чика олмон хатидин хар нечукким чекса дилбар хат.

\* \* \*

Хар ки аз расвогии рохи жунун ораш кунад,  
Фикри ботил окибат расвои бозораш кунад.

Согаре бигрифту хар кас шуд муриди майфурӯш  
Файзи жомаш то абад аз хоб бедораш кунад.

Сӯхбати ноахл пиндорам ба махфил гар расад,  
Жоми хотирро пур аз махлуз зангораш кунад.

Эй хавас, бе мархабо по дар тамошояш манех,  
Халкаи гисӯи ногаҳ гирифтораш кунад.

Эй сабо, бар шохи гул таҳрики нолойик масоз,  
Барги гул бар рӯйи ӯ афтода озораш кунад.

Ман гуломи он касам аз гайрати мастонагӣ  
Хоки навмеди кунун бар чашми агъёраш кунад.

Гар бубинам оразаш як зарра гам навбад маро,  
Хафт дӯзахро агар бар гарданам бораш кунад.

Гарра бар иззи жаҳон гаштан нишони аблахист,  
Як нафас боди ажал ӯро нигунсораш кунад.

Зоҳидо, мо аз сари сажжодажӯи фориғем,  
Сар ба савдои жунуну завки дидораш кунад.

Ефт зинат з-илтифоти Мири накши хомаам,  
Муждаи назми ман аз мазмуни ашъораш кунад.

Нокиси табъи маро харгиз нашуд хосил камол,  
Жодаи бечорагӣ з-ин кисса бемораш кунад.